

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 12 июль, № 142 (7372) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## «O‘ZBEKISTON TARIXI» ТЕЛЕКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, ёш авлодни миллий қадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси асосида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (кейинги ўринларда — Ўзбекистон МТРК), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 1 сентябрдан **“O‘zbekiston tarixi” телеканалини** ташкил этиш тўғрисида республиканинг кенг жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар “O‘zbekiston tarixi” телеканали **фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари** деб ҳисоблансин:

минг йиллар қаърига илдиз отган **Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой тарихи,** халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ғоят катта илмий, маданий ва маънавий ҳиссаси ҳақида мамлакатимиз аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини **кенг кўламда хабардор қилиш**;

ҳар бир воқеанинг мазмун-моҳиятини изчил ва тизимли очиб бериш орқали буюк тарихимизнинг барча даврларини чуқур илмий тадқиқотларнинг холисона натижалари асосида кўрсатиб берувчи **ахборот-таҳлилий ва мавзули телекўрсатувлар, ток-шоу, давра суҳбатларини** юқори профессионал ва ғоявий-бадиий савияда тайёрлашни ташкиллаштириш;

**буюк ватандошларимиз** — олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг **бебаҳо меросини кенг кўламда ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида** уларнинг ҳаёт йўли ва қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг ғоят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи **илмий-оммабоп дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумларини яратиш**;

**доимий ишлаб турувчи телевизион студия — “мунозара майдончаси”** фаолиятини таъминлаш, Ўзбекистон тарихи бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини, маданий ва кўҳна ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек, халқимиз тарихига тааллуқли ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган бошқа ғоят муҳим масалаларни очиқ муҳокама қилиш учун олимлар, тарихчилар, тадқиқотчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини таклиф қилиш;

чет элларга ижодий сафарлар давомида **халқимизнинг моддий ва номоддий мероси, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган нодир қўлёзмалар, китобларни излаш, амалий санъат буюмлари** ҳамда музейлар коллекцияларида, хорижий давлатларнинг илмий марказларида, шунингдек, жаҳон тарихий меросини ўрганаётган жамғармаларда сақланаётган **қимматли топилмаларни ўрганиш** натижалари бўйича махсус телекўрсатувлар тайёрлаш;

хорижий телеканаллар, илмий-тадқиқот марказлари ва жамғармалар томонидан тайёрланган, жаҳон тарихининг аҳамиятли лавҳаларини акс эттирувчи, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида содир бўлган тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлган воқеалар ва шахслар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатувларни сотиб олиш, ўзбек тилига таржима қилишни ташкиллаштириш ва миллий телерадиоканаллар эфирларида жойлаштиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган воқеалар ва шахсларга бағишланган маҳаллий ва хорижий бадиий фильмларни мунтазам намойиш қилиш, шунингдек, ушбу мавзу бўйича мамлакатимиз кино санъати усталари билан бадиий фильмлар ва телесериаллар яратишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи ташкилотлар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига шакллантириладиган, **ходимларининг чекланган умумий сони 116 нафардан иборат бўлган,** “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг **тузилмаси** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, “O‘zbekiston tarixi” телеканали:

Ўзбекистон МТРКнинг “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси қошидаги “UzHD” телеканали негизида юридик шахс ташкил этмасдан **HD форматида** ташкил этилади;

республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқатиладиган **рақамли кўрсатувнинг ҳаммабоп ижтимоий пакети таркибига киритилади**;

эфирни сифатли ҳужжатли ва бадиий фильмлар билан, шу жумладан, тайёр телемаҳсулотга буюртма бериш шартлари асосида тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, шунингдек, бошқа кино ва видео суратга олиш студиялари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси доимий асосда “O‘zbekiston tarixi” телеканалига эфирга узатиш учун материаллар тайёрлашда, жумладан, уларнинг ишончлилиги ҳамда тарихий воқеа ва фактларга мос келиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатсин, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини телеканал орқали ёритиш учун тақдим этиб борсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан бири этиб белгиламоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар **олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар, барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасининг давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

(Давоми 2-бетда).

*“ ...Бир фикрни такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан: олиб бораётган ислоҳотларимизнинг муваффақияти, аввалambор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир”.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

### ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ

Бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим тадбир — парламентга сайловлар бўлиб ўтади. Унинг ўтган йиллардаги сайловлардан фарқ қилиши кутилмоқда. Зеро, бу галгиси яқинда қабул қилинган Сайлов кодексига мувофиқ, янгича бир шароитда ўтказилади.

Сайловларнинг қонуний асослари тобора мустаҳкамланяпти. Халқаро тажрибанинг илғор жиҳатлари миллий қонунчилигимизга муваффақиятли жорий қилинмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан шуғулланадиган нуфузли жамоат ташкилотлари таклифлари, тавсиялари инобатга олиняпти. Аммо бу — сайловларнинг ташкилий масаласи. Амалда унинг қай даражада жонли, шаффоф ва халқимиз келажагига дахлдор ташаббуслар асосида кечиши — мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фаоллигига бевосита боғлиқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, сиёсий партиялар мазкур жараёнга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Бошқача айтганда, биз улардан нималарни кутамиз?

Аслида, ривожланган давлатлар сиёсий тизимида очиқ ва эркин ҳаракат қиладиган бирдан-бир сиёсий куч, бу — сиёсий партиялар саналади. Улар жамият аъзоларини уюштирувчи тузилма бўлгани учун фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланади. Гуруҳий ва индивидуал манфаатларни ифода қилиш ҳамда вакилликни намоён этишда фуқаролик жамиятида сиёсий партиялардан афзалроқ омил йўқ. Шунингдек, партиялар ўзаро рақобати ва муносабатларисиз сиёсий тизимни демократлаштиришни тасаввур этиб бўлмайди.

Умуман олганда, ҳар қандай жамият тирик организм сифатида яшаб ва ривожланиб боради. Мана шу организмнинг бирорта аъзоси ишдан чиқса, жамият қандайдир касалликка учрайди. Жамиятнинг “сиёсий партиялар” деб аталган унсури ўз функциясини бажара олмаса, жиддий инқироз ҳолатлари пайдо бўлади. Аввало, сайловчилар — электоратнинг сиёсий манфаатлари сиёсий тизим ва қонунчиликда тўлиқ намоён бўлмайди, бу манфаатлар ҳимоя қилинмайди.

➔ 3

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## Амалдаги қонун ҳуқуқий коллизияларга сабаб бўлмоқда. Унинг янги таҳрири ишлаб чиқилди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Аҳолини иш билан таъминлаш — давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

Тадбирда депутатлар, эксперт гуруҳи аъзолари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент давлат юридик университети илмий ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Мамлакатимизда барқарор иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, фуқароларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, миллий меҳнат кучи рақобатбардошлиги ҳамда касбий даражасини ошириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, айни пайтда меҳнат бозоридаги вазиятни тубдан яхшилаш, меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиётига мос равишда такомиллаштириш, инвестиция фаоллигини ошириш ва ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш учун “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш давр талабига айланди.

➔ 4

## Фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти

*Агар 1990 йилда республикамизда 2 та фармацевтика корхонаси томонидан атиги 21 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда бундай корхоналар сони 155 тага, дори воситалари ва тиббий буюмлар номи эса 2836 тага етган. 2019 йилнинг 5 ойи якунлари бўйича мамлакатимизда фармацевтика соҳасида 162 та корхона фаолият юритмоқда. Аммо бу ҳам аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг “Аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

➔ 4



## МАРҒИЛОНДА ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Санъат

*Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар боғининг амфитеатрида “Буюк Ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур фестивалда 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан санъат усталари ташриф буюрди. Фестиваль доирасида илк бор Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан волонтёрлар жамоаси ташкил этилиб, унга бир неча хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, мамлакат, шаҳар тарихи ҳақидаги батафсил маълумотларга эга ёшлар жалб қилинди.*

➔ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олий таълим муассасаларида касбий фаолият йўналишида замонавий билим ва малакага эга, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш;

барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ўқув-педагогик ва илмий-услубий, шунингдек, уларда мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасининг давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда ўқитишнинг илғор шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини бундай мутахассислар билан таъминлаш, тизимли рағбатлантириш ишларини олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш, такомиллаштириб бориш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини ошириш учун шароитлар яратиш, жумладан, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш, ўқув жараёнларига хорижлик олимлар, ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибалар асосида таълим тизимини такомиллаштириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларини амалга ошириш, таълим соҳасида эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш.

2. **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) **тугатилсин** ҳамда Марказнинг бўшаётган штат бирликлари ушбу вазирликка ўтказилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг идоравий бўйсунувига ўтказилсин**:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари ва улар тизимидаги касб-ҳунар таълим муассасалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) **олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бўйича ягона давлат сиёсатини, шунингдек, олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарликни амалга ошириш юзасидан ваколатли давлат органи этиб белгилансин.**

5. Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **2019 йил 1 августдан бошлаб** қуйидагиларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра вазирлик бошқарув ходимлари лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим баравар миқдорида қўллаш ҳамда бу билан боғлиқ қўшимча харажатларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппаратининг:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақига — **30 фоиз**;

фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақига — **35 фоиз** устамалар белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари ойлик лавозим маошига олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида хизмат қилган умумий иш стажи учун **3** йилдан **5** йилгача — **10 фоиз**, **5** йилдан **10** йилгача — **20 фоиз**, **10** йилдан **20** йилгача — **30 фоиз**, **20** йилдан ортиқ — **40 фоиз** ойлик устамалар тўлаш;

6. Республика олий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиш учун хорижий фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида **шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб** олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари), касб-ҳунар таълими муассасалари директорларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда:

хорижий фуқароларни ўқитиш учун олий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида **алоҳида бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, касблар ва мутахассисликлар очиш, уларни ўқитиш тили ҳамда академик гуруҳ шакллантириш учун зарур талабалар (ўқувчилар)** сонини белгилаш;

касб-ҳунар таълими муассасаларида касблар ва мутахассисликлар бўйича таълим олиш истагида бўлган **хорижий фуқароларни ўқитиш муддати, давомийлиги ва уларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш** ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Вазирлик билан биргаликда икки ой муддатда тугатилаётган Марказ ходимларини иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

9. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

иқтисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларини амалга ошириш, соҳада эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифлари, илғор хорижий тажриба, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

ўқув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Марказ) тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти негизида **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти**;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати негизида **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўқув устахоналари, техник регламентлар ва метрологик назорат хизмати**;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари негизида **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари**;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази негизида **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази** ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати тузилмасига **олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ёшлар, маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари** лавозими киритилсин.

5. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 119 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирига:

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, шунингдек, идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар тузилмасига белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий компаниялар юқори малакали мутахассис ва экспертларини консультант сифатида ишга жалб этиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлари миқдорларини шартнома асосида мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **олий таълим муассасаларининг тузилмалари тегишли олий таълим муассасалари ректорлари** (маҳаллий олий таълим муассасалари филиаллари директорлари) томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда **тасдиқланади**;

б) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг **ректори** (хорижий олий таълим муассасаси филиалининг маҳаллий ректори ёки директори, ижрочи директори) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда **Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

в) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг **проректорлари** (маҳаллий олий таълим муассасасининг филиали директори, унинг ўринбосарлари, хорижий олий таълим муассасаси директори ўринбосарлари) олий таълим муассасаси ректорининг тавсиясига асосан бўйсунуви бўйича **тегишли вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**, бунда:

**ўқув ишлари бўйича проректор** (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**;

**ёшлар билан ишлаш бўйича проректор** (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши**;

**илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор** (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади**;

г) олий таълим муассасалари:

ҳузуридаги **илмий-тадқиқот муассасалари**, **малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицейлар директорлари,** бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг **ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

**факультет деканлари** олий таълим муассасасининг **ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари**, шунингдек, Вазирликка **идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

е) **касб-ҳунар таълими муассасалари**:

**директорлари** бўйсунуви бўйича тегишли **вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

**директорининг ўринбосарлари** бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда касб-ҳунар таълими муассасалари **директори томонидан**, шунингдек, **академик лицей директори ўринбосарлари** олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда **академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**.

8. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг **2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг** айрим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич **ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тартибини 2019 йил 1 сентябрга қадар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш;

б) иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

в) сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шу жумладан, китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп эттириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

г) олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан, бино ва иншоотлар, талабалар turаржойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

д) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда:

олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техника базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Вазирлик ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар бир олий таълим муассасасининг йўналиши ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг жиҳозланиши алоҳида ёндашувни талаб этаётганлигини инобатга олиб, Инвестиция дастурлари доирасида ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация воситалари ва бошқа техникалар билан жиҳозлаш учун ажратиладиган маблағларни тўғридан-тўғри олий таълим муассасаларига молиялаштириш орқали улар томонидан ўрнатилган тартибда харидлар амалга оширилишини таъминласин.

11. Белгилансинки:

а) тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар учун контракт тўловларини амалга ошириш муддатлари олий таълим муассасаси ректори (маҳаллий олий таълим муассасасининг филиали директори) томонидан узайтирилади;

б) маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви доирасида амалга оширилаётган қўшма таълим дастурлари, жумладан, қўшма факультетларда:

талабаларни қабул қилиш тартиби, тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан келишув асосида;

ўқишга қабул қилиш параметрлари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тасдиқлаш ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади;

в) талаба-ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини кенг оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасалари спорт клубларини сақлаш, спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. 2022 йил 1 январга қадар:

олий таълим муассасалари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар доирасида олий таълим муассасалари ва улар ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари билан ўзаро келишув бўйича қўшма дастурлар (факультетлар ва академик дастурлар) ҳамда филиаллар (марказлар) шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиган чет эл олий таълим муассасалари уларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган олий таълим фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича барча турдаги солиқлар, шунингдек, чет эллик ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилсин.

13. Вазирлик:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# «O‘ZBEKISTON TARIXI» ТЕЛЕКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Ўзбекистон МТРК икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан тасвирга олинадиган тарихий шахслар тўғрисида, миллий қадриятлар, анъаналар, Ўзбекистоннинг қарор топиши ва давлат сифатида ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттирувчи бадиий, бадиий-публицистик, ҳужжатли фильмлар, сериалларни ҳамда анимацион фильмларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш форматларини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон МТРК бир ой муддатда:

“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлашни;

“O‘zbekiston tarixi” телеканали ҳар томонлама тайёрланган, шу жумладан, Ватанимиз ҳамда жаҳон цивилизациясининг қадимий ва бой тарихини юқори профессионал даражада биладиган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

8. “O‘zbekiston tarixi” телеканали Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 2-уй манзили бўйича Ўзбекистон МТРК биносида жойлаштирилсин ва доимий ишлайдиган “мунозара майдончаси”ни ташкил этиш учун студиялардан бири телеканалга бириктириб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йилда янги ташкил этилаётган “O‘zbekiston tarixi” телеканали таъминотига, шу жумладан, жаҳондаги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини намойиш этишнинг лицензия ҳуқуқларини сотиб олишга, шунингдек, республика ҳудуди бўйлаб теледастурларни тарқатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкилотларига ҳақ тўлашни киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий йилги параметрлари доирасида маблағ излаб топсин ва Ўзбекистон МТРКга ажратсин, 2020 йилдан бошлаб ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида зарур молиялаштиришни назарда тутсин;

Ўзбекистон МТРКнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича “O‘zbekiston tarixi” телеканали студияларини жиҳозлаш ва декорациялар тайёрлаш учун зарур бўлган 1,5 миллиард сўмгача миқдордаги маблағ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратиб берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон МТРК раисига:

сифатли контентни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва самарали ижодий жараённи йўлга қўйиш мақсадида “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг Эксперт (маслаҳат) кенгашини шакллантириш ва унинг таркибини тасдиқлаш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва ишга қабул қилиш ҳамда ажратилган бюджет маблағлари доирасида уларга хорижий валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон МТРК:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги ташкил этилаётган “O‘zbekiston tarixi” телеканалини замонавий телевизион ускуналар комплекси билан жиҳозлаш;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ

←1 Яна бир томони, фуқаролар шахс сифатида ижтимоийлашолмайди, сиёсий жараёнларда кам иштирок этади, ўзларининг вакиллари — депутатларнинг фаолиятини назорат қила олмайди, натижада электорат нафақат партия, балки парламент билан тўғридан-тўғри муносабатга киришолмайди.

Хуллас, бу бир-бирига чамбарчас боғлиқ жараёнларда ҳар бир сиёсий партиядан ўз тарафдорларини, фаол аъзоларини шакллантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳокимият учун ҳаққоний кураш олиб бориш талаб этилади.

## Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик. Амалда эса ...

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз сиёсий тизимида бешта — Ўзбекистон Халқ демократик, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик, Ўзбекистон Либерал-демократик, Ўзбекистон Экологик партиялари фаолият юритиб келмоқда.

2005 йилдан буён қонунчилик асосида сиёсий партияларни Давлат бюджетидан молиялаштириш қоидаси ўрнатилди. 2015 йилда бу каби молиялаштириш 28 фоиз ўсиб, 39,9 млрд. сўмни (14 млн. доллар) ташкил этди. Биргина мисол: Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолияти 2017 йилда Давлат бюджетидан 14 млрд. 153 млн. 998 минг сўм миқдорида молиялаштирилган (“Миллий тикланиш” ДПдан бошқа биронта партия ёки парламент томонидан бу рақамлар очиқ эълон қилинмаган). Ваҳолонки, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида “Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир” деган қоида аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг муайян белгиланган мақсади — “Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади”, деган қоида мустаҳкамланган.

Агар партияларнинг уставларидаги мақсадларига разм солсак, улардан узундан-узун, ичида партия мақсадларига мос келадиган жумлаларни топиш қийин. Бу ҳолат партия бюджетини партиянинг асл мақсадини ифодалаб беролмайдиган кўрсатма асосида сарфлаш учун катта йўл очиб беришини англатади.

> **С**иёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошчилик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилик аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салоҳиятли етакчилар жуда кам.

Сиёсий партиялар ўртасида ўзаро мухолифатчилик йўқлиги ҳам улар фаолияти самарасиз бўлишига олиб келади. Барча партиялар ҳокимиятни эгаллаш учун курашар экан, албатта, бир-бирига мухолиф бўлиши табиий бир ҳол. Зеро, мухолифлик сиёсатда танқидий руҳни шакллантириш манбаидир. Жамиятдаги муаммолар илдизлари юқорига қараганда пастдан аниқ кўринади.

## Тўлақонли фаолият учун нималар ғов бўлмоқда?

Бундан олдинги сайловлар арафасида парламент фракциялари, яъни Ўзбекистон ХДП билан ЎзЛиДеП ўртасида ўзаро мухолифлик эълон қилинди. Лекин бу уларнинг амалий фаолиятида умуман сезилмади. Агар мамлакатимизда сиёсий партиялар ва уларнинг мафкуралари ўртасида ўзаро рақобат юз бермас экан, электорат сиёсий маданияти ўсмайди, сиёсий партияларнинг ўзи демократлашмайди. Зеро, партия ана шундай муҳитда шаклланиб, тобланиб, такомиллашиб боради, сиёсий жараёнлар субъекти сифатида ўзини намоён қила олиш даражасига эришади. Акс ҳолда...

Ҳозирги даврда биздаги барча сиёсий партияларнинг фаолияти учун умумийлик касб этадиган қуйидаги камчиликлар уларнинг фуқаролик жамияти институти сифатида фаол фаолият юритишига имкон бермаяпти, деб ҳисобласак бўлади:

Аввало, сиёсий партияларни бошқариш жамоатчилик ва демократик принциплар асосида эмас, балки яккабошчилик асосида амалга оширилиши авж олган. Аксарият партияларнинг бошланғич ташкилотлари фақат расман мавжуд. Партияларнинг кўпчилик аъзоларида партияга дахлдорлик ҳисси йўқ. Партия раҳбар органларида партия аъзолари эргашадиган салоҳиятли етакчилар жуда кам.

Масаланинг яна бир жиҳати — сиёсий партиялар мафкуралари фақат расмий жиҳатдан эълон қилинган. Амалда партия расмий ҳужжатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятида мафкуравий принциплар ва кўрсатмаларни амалга ошириш фаолияти жуда суст.

Партиялар фаолиятининг асосий қисмини ўзига хос бўлмаган — дастурий мақсадлар доирасидан ташқаридаги тадбирлар ташкил этади. Яъни партия ташкилотлари аксарият ҳолларда касаба уюшмалари ёки ННТ фаолиятини такрорлаяпти холос. Партия дастурларини тарғиб этиш, партиявий интизом, партия мафкураларини аъзолар ва сайловчилар дунёқарашига сингдиришга доир ташкилий ишларни олиб бормаяпти.

Партиявий фаолияти, асосан, марказий партия органида олиб борилиб, бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар ҳам деярли ҳаракатсиз, натижада ўз электоратидан узилиб қолган.

Юқори органларида бошқарув маъмурий ва буйруқбозлик усулида олиб борилиши оқибатида партиянинг қуйи ташкилотларида ташаббус кўрсатиш, бошқарувнинг янги технологияларидан фойдаланиш, аъзолар манфаати билан партиявий бошқарув мақсадларини уйғунлаштириш ҳолати учрамайди, уларда ижтимоий менежмент ва демократик сиёсий ташкилотга хос номарказлашган бошқарув жорий этилмаган.

Партия дастурлари, сайловолди дастурлари ва низомларида аъзолар ҳамда электоратнинг манфаатлари аниқ, содда ва ҳамма тушунадиган даражада ифодаланмагани сабабли бу ҳужжатларда битилган партиявий интизом, ижтимоий фаоллик, партияга дахлдорликни таъминлаш имкони бўлмаяпти.

Депутатликка захира кадрлари тайёрлаш ишлари ҳам қониқарли эмас.

## Дастурий вазифалар ижросидан дарак йўқ

Сиёсий партия шундай ташкилотки, унинг бошланғич бўғинлари халқ ичида бўлганлиги учун жамиятдаги ўзгаришларни ва пайдо бўлган муаммоларни тезликда илғаши ҳамда улар ечимларига доир зарур чора-тадбирларни кўриши билангина ўз мавжудлигини таъминлай олади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП дастурий ҳужжатларида бирдан-бир партияга хос бўлган функция — “Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги, маданиятининг ривожи учун курашиш” вазифаси белгиланган. У ҳолда, бу соҳада партия қандай аниқ ишларни амалга оширган, мазкур йўналишдаги фаолиятнинг натижаси ва самараси қандай? Чунки жамиятимизда сиёсий партиялар амалга оширадиган ишларнинг талаб даражасида эмаслигини халқаро индекс ўлчовларида аниқ ва равшан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ҳужжатида унинг асосий мақсади қуйидагича белгиланган: “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва ҳимояга эҳтиёжманд фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Булар — иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган одамлар, доимий иш жойи ва муқим маошга эга бўлмаган аҳоли қатлами, бошқа ижтимоий соҳаларнинг ходимлари ва мутахассислари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, пенсионерлар ҳамда имконияти чекланган кишилар”.

Мазкур партия мақсади билан танишган ҳар қандай кишида қуйидаги саволлар туғилиши табиий: партия аҳолининг ижтимоий ночор қатлами ижтимоий ҳимояси билан 27 йилдан буён шуғулланиб келаётган бўлса, нега хорижга кетаётган мигрантларнинг сони ортиб бормоқда? Нега аҳолини, айниқса, ёшларни иш ва меҳнат билан банд қилиш муаммосини ҳал қилиш бўйича партия ўз ташаббуслари, таклифлари билан чиқмаяпти? Бу соҳада партия қонунчиликни ривожлантириш, ижроия ҳокимияти тузилмаларига таъсир этиш, депутатлар гуруҳлари ва партия фракцияси воситасида қандай ўзгаришларни амалга оширди?

Албатта, бу саволларга жавоб топиш қийин. Чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келаётган партия сафларида етакчи сифатида эътироф этилган, юксак давлат ҳокимияти органларига кўтарилган шахслар бармоқ билан санарли. Партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кадрларни хўжалик раҳбарларидан фарқлаб бўлмайди.

Ўзбекистон ХДП ҳозирги кунга қадар жамият ҳаётида бирон-бир ўзгариш ясайдиган ташаббус, янги ғоя ёки концепция билан чиққанини кўрмадик. Партияни жамоавий бошқарув асосидагина ривожлантириш мумкин, у ҳеч қачон маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усуллари билан обрўсини кўтара олмайди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида қуйидагилар белгиланган: “Биринчи мақсад. Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш”.

Мазкур мақсадни амалга оширишнинг бир йўналиши — фермерлик ҳаракатини ривожлантириш соҳасини олиб кўрайлик: 2003 — 2016 йилларда фермерларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати қанчалик ўзгарди? Бу соҳада партия қандай ишларни амалга оширди? Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ишчилар ойлиги, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бобида қандай чоралар кўрилди? Бу саволларга жўяли жавоб топиш амримаҳол. Фақат кейинги икки йил ичида фермерларга нисбатан ҳукуматнинг қарашлари ижобий томонга ўзгарди, бу соҳага замонавий кластерлар кириб бормоқда. Пахта майдонлари қисқартирилиши фермерларга енгилликлар олиб келди.

Аммо партия дастурида ҳам, унинг ташкилотлари фаолиятида ҳам либерализмнинг асосий белгилари — индивидуал эркинлик, инсон ҳуқуқларини сақлаш ва ҳурмат қилиш, хусусий мулкка эгалик ва тадбиркорлик, ижтимоий тенглик устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлатни ташкил этишнинг шартномавий тизими (давлат ва фуқаролик жамиятининг бир-биридан алоҳидалиги), ҳокимиятларнинг бўлиниши, ҳокимиятнинг барча институтини эркин равишда сайлаш ғояси, давлат фаолиятига дахл қилмаслиги каби либерал мафкура ва уларни амалга ошириш фаолияти сезилмайди, бу либерал қадриятлар партия электорати ва аъзолари дунёқараши ва фаолиятида умуман кузатилмайди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаолиятида ҳам шу каби ҳолатларни кўриш мумкин. Партиянинг асосий мақсади сифатида “демократик, ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш” ғоялари ёзиб қўйилган.

Афсуски, партия ўзининг “фаол иштирок” этиш мақсадига ҳали эришгани йўқ: кейинги икки ярим йил ичида мамлакатда бутунлай янгиланган суд-ҳуқуқ тизими шаклланди, бу тизим энди инсонга хизмат қиладиган воситага айланди, суд-ҳуқуқ тизимида адолат принципларини ўрнатиш, унинг шаффоф бўлишига эришиш каби янгиланишлар амалга оширилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида халқчиллик, жамиятга хизмат кўрсатишга хос жиҳатлар кўрина бошлади. Жиноятчилик камайди, 20 мингга яқин фуқаролардан “экстремистлар ва террорчиларга яқин ва қариндош” деган тамға олиб ташланди, мингдан ортиқ эркин фикрловчи фуқаролар турли чекловлардан холи этилди, сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилди, қамоқхоналардаги минглаб фуқаролар Президент афв этиши ҳисобига эркинликка чиқарилди. Аммо инсон эркинлиги ва ҳуқуқи, шунингдек, жамиятда адолат принципларини тиклаш бобидаги кўламли ислоҳотлар жараёни кенгайиб бораётган даврга келиб ҳам партия ташкилотлари ўз дастурий мақсадини тўлиқ равишда бажара олмаяпти.

“Адолат” СДП фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирок этишга доир дастурий мақсадини илгари сурган бўлса-да, амалда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари — ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари ҳамда ОАВни ривожлантириш, уларнинг мустақил институт сифатида фаолият юритиши учун қонунчилик асосини такомиллаштириш, бу институтларда иштирок этадиган аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишдаги роли унчалик кўзга ташланмади.

Ўзбекистон Экологик партиясининг ташкил топганига ҳам ярим йил тўлди. Партия раҳбариятининг бу “соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакат миқёсида ва алоҳида минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этди” деган баёнотининг ҳаётдаги ифодасидан дарак йўқ. Ваҳолонки, давлатимиз раҳбари томонидан Оролбўйи аҳолисига, шу жумладан, Мўйноқ туманига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, Орол денгизи ўтган ярим асрда қуриб бормоқда. Бугун 5,5 млн. гектар ер саҳрога айланиб, ундан атмосферага 100 млн. тонна чанг кўтарилаётир. Шу боис давлатимиз томонидан кейинги икки йилдан буёғига Орол денгизи ва унинг атрофидаги табиатни асраш мақсадида мисли кўрилмаган яратувчилик ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бу муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини қарата олди. Натижада БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил қилинди. Мўйноқда Судочье, Мўйноқ қўлтиғи, Междуречье, Жалтирбас каби 10 — 17 минг гектардан иборат кўлларни сақлаб қолиш ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Ушбу кўллардан тутилган балиқлар Мўйноқ консерва заводига етказиб берилиши ҳамда кўллардаги қамишлар туманда қурилаётган ДСП заводи хом ашёси бўлишига доир режалар ишлаб чиқилди. Давлат раҳбари топшириғи билан Орол денгизининг қуриган ҳудудида 500 минг гектарлик ҳимоя ўрмонзорларини барпо қилиш ишлари олиб борилмоқда. Натижада Мўйноқ тумани марказидан 130 — 140 километр узоқликда, Оролнинг қуриган тубида штаб ташкил қилиниб, шу кунга қадар 119 минг 750 гектардан ортиқ майдон экиш учун тайёрланди ҳамда 34 минг 665 гектардан зиёд майдонга саксовул уруғи экилди. Оролнинг қуриган тубида ўтказилаётган тадбирларга республикамизнинг барча ҳудудидан ва вилоятлардан жами 1 500 дан ортиқ кишилар ҳамда 400 дан зиёд техникалар жалб қилинди. Хуллас, Орол денгизи атрофида янги ҳаёт бошланди.

> **П**артиялар фаолиятининг асосий қисмини ўзига хос бўлмаган — дастурий мақсадлар доирасидан ташқаридаги тадбирлар ташкил этади. Яъни партия ташкилотлари аксарият ҳолларда касаба уюшмалари ёки бўлмаса ННТ фаолиятини такрорлаяпти, холос. Партия дастурларини тарғиб этиш, партиявий интизом, партия мафкураларини аъзолар ва сайловчилар дунёқарашига сингдиришга доир ташкилий ишларни олиб бормаяпти.

Ўзбекистон Экологик партияси уставининг “Мақсад ва вазифалари” қисмида қуйидагилар белгиланган: “Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, минтақанинг мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий сув оқимларининг сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш учун кучларни бирлаштириш”. Бироқ партиянинг электорати ҳали бу соҳада олиб борилаётган амалий ишларга доир ахборотга эга эмаслар. Сайловларга эса бор-йўғи беш ой қолди, холос.

> **П**артия нуфузини оширишнинг муҳим талаби, бу — партия дастурларини соддалаштириш, унда сайловчилар манфаатларидан бошқа мақсадларни жуда ҳам қисқартириш ҳисобланади. Дастур зиёлиларга эмас, балки оддий сайловчига, унинг тушуниш ва англаш қобилиятига мос ҳолда тузилиши лозим. Сайловчи учун қуруқ ваъдаларга қараганда оддий, ҳаёт учун зарурий бўлган ресурслар муҳимроқ.

## Сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди

Сиёсий партияларнинг сайловчилар орасида ўз дастурларини бажариш, сиёсий мафкураларини хайрихоҳлари онгига сингдириш, ўз электоратини партия ғояси ва мафкураси атрофида бирлаштириш каби долзарб вазифаларни бажаришни уддалай олмаганлиги яқинлашиб келаётган сайловда анча ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон ХДП ва “Адолат” социал-демократик партиясининг мафкураси бир хил — “социал демократия” эканлигини қандай тушуниш мумкин? Умуман олганда, сиёсий партияларнинг мафкуравий хилма-хиллиги жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар диққатини ўзига тортади. Ижтимоий қатламларга мутаносиб равишда турли партиявий мафкуралар пайдо бўлади. Бошқача айтганда, ҳар бир партиявий мафкура ортида уни маслак сифатида эътироф этувчи, турли тоифаларга бўлинган электорат мавжуд. Партиянинг бош мақсадларидан бири, бу — электорат томонидан эътироф этилишдир.

Кейинги икки ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига, ҳозирги даврда давлат хизматлари марказларига келиб тушаётган мурожаатлар ва улар қандай масалаларга қаратилганлигига эътибор берсак, аксарияти ижтимоий муаммолар ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига доир эканлигини кўрамиз. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: нима учун ана шу мурожаатлар сиёсий партияларга келиб тушмади? Сабаби оддий. Чунки халқимиз яхши билади — фуқаролар мурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун партияларнинг ресурслари етарли эмас.

Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўтиш даврига хос бўлган ҳолатлар — уюшмаган ёшларнинг кўпайиши, фуқаролар халқаро миграция гирдобига тортилиши, аҳолини ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, иш билан бандлик каби долзарб муаммоларни ҳал қилишдан четда қолди. Улар давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги фаолиятига томошабин бўлиб турди, холос. Партияларнинг яшаш салоҳияти йўқолиб бориши натижасида парламент қуйи палатасидаги партиялар фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги партиявий гуруҳлар ўзларига берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ ҳамда самарали фойдалана олмади. Бу жараён бундан кейин ҳам давом этмаслиги учун саъй-ҳаракатларни тезроқ бошлаш керак.

Партия нуфузини оширишнинг муҳим талаби, бу — партия дастурларини соддалаштириш, унда сайловчилар манфаатларидан бошқа мақсадларни жуда ҳам қисқартириш ҳисобланади. Дастур зиёлиларга эмас, балки оддий сайловчига, унинг тушуниш ва англаш қобилиятига мос ҳолда тузилиши лозим. Сайловчи учун қуруқ ваъдаларга қараганда оддий, ҳаёт учун зарурий бўлган ресурслар муҳимроқ. Партияларнинг ҳозирги дастурларида қўйилган мақсад ва вазифаларни англашда нафақат сайловчилар, балки “партия функционерлари”нинг ўзлари ҳам қийналмоқда. Шу билан бирга, дастурларда сиёсий партиялар мафкуралари тўғрисида бирон-бир тўлиқ ва маъноли тушунчага эга бўлиш қийин, уларнинг лойиҳаларини шакллантиришда олий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларидан кенг фойдаланилгани очиқ-ойдин кўриниб туради.

Уларни тузатиш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашдан ким ютади? Албатта, халқимиз, жамиятимиз. Демак, бу борадаги ишларни жонлантириш ҳам ўз қўлимизда партия ташаббускорлик ва жасорат, фидойилик қадриятлари билан ёнма-ён яшайди. Ватан учун, унинг янгиланиши учун яшаш ва ишлаш вақти келди!

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети кафедра мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор.**

# ХАТОЛАР БУГУН ТУЗАТИЛМАСА, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

## ёхуд Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятига бир назар

*Рассомлик, ҳайкалтарошлик, дизайн, меъморчилик... Тасвирий санъатнинг ноёб турлари борки, уларнинг мақсад ва вазифалари ўзига хос: инсониятга яхши кайфият ҳамда гўзаллик улашиш.*

*Лекин ушбу йўналишда касб эгаларини аниқлаш, иқтидорини тўғри йўналтириш, малакали кадрларни тайёрлаш анча мушкул иш.*

**Долзарб мавзу**

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ушбу йўналишларда истеъдодларни камолга етказаётган таълим даргоҳларидан бири бўлиб, бу ерда 1483 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Сир эмас, ҳар қандай муассаса даражаси ва мавқеи илмий салоҳияти билан баҳоланади. Шу маънода, институт мутасаддилари мазкур масалага алоҳида эътибор қаратаётганини эътироф этиш ўринли, албатта. Мисол учун, ўтган йили илмий салоҳият 11,8 фоизни ташкил этиб, бугунги кунда 25,8 фоиз юқорилагани ижобий ҳолдир. Тўғри, бир қарашда ушбу кўрсаткич бошқа таълим муассасаларига қараганда паст туюлиши мумкин. Лекин бу ерда гап илмий салоҳиятни юксалтиришга бўлган интилиш ҳақида кетмоқда.

Институтда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида айтиш ўз йўлига. Аммо айрим муаммо ва камчиликлар ҳам кузатилаётгани, табиийки, кўнгилни хира қилади. Аввалambор, таълим даргоҳида ўқитувчи ҳамда талабалар учун яратилган шароитлар қониқарлими? Моддий-техника базаси, ўқув адабиётлари ва дарсликлар билан таъминланганлик даражаси қай аҳволда?

Келинг, масалага аниқ фактлар орқали, ўрганишларимиз давомида кўрган-кузатганларимиз асосида ёндашиб кўрайлик.



Маълумотларга кўра, муассаса биноси охирги марта бундан қарийб 14 йил илгари капитал таъмирдан чиқарилган. Бу эса бинони қайта таъмирлаш лозимлигини яққол кўрсатмоқда. Устахоналарнинг аҳволи ачинарли: поллари эскирган, мебелларни алмаштиришнинг аллақачон вақти етиб келган.

Институт мутасаддиларининг айтишларига қараганда, устахоналарда ижодий жараён ҳукм сургани туфайли полга, стол-стуллар устига лой ва шунга ўхшаш нарсалар тушиши табиий, бир оз тартибсизлик шу боис. Бироқ бу масаланинг ечими эмас. Ижодий устахоналар, албатта, зарур қулайликларга эга бўлиши, шунга мос равишда жиҳозланиши ҳам керак-да.

Ахборот-ресурс маркази таълим муассасасининг асосий таянчи бўлиши зарур. Афсуски, бу йўналишдаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Энг катта муаммо шундаки, ушбу марказ бинонинг энг юқори қаватида, соддароқ айтганда, “чердак”да фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда шароит яратишга ҳаракатлар кўзга ташланади. Аммо куннинг жазирама иссиғида дим, қаҳратон қишда эса совуқ бўладиган бундай маскан адабиётлардан фойдаланиш коэффициентини тушириб юбориши кундек равшан.



Китоб олувчиларни қайд этиш дафтарига эса тушуниш қийин, у қандайдир нуқтали белгилар билан тўлдирилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида олинган янги китоблар, дея кўрсатилган адабиётларнинг аксарияти анча йиллар олдин нашрдан чиққанига нима дейсиз? Кутубхонага аъзо бўлганларнинг махсус карточкасида унинг суратидан бўлак ҳеч нарса ёзилмаган: на исм-фамилияси ва на бошқа маълумотлар бор... Бундай камчиликлар Ахборот-ресурс маркази фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада қатъий назорат ва тартиб ўрнатилишини тақозо этмайдими?!

Спорт зали ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Ажратилган залда баскетбол, волейбол ва бошқа спорт машғулотларини ўтказиш учун шароитлар чакки эмас. Лекин у билан уйғун равишда керак бўлган айрим масалалар эса инобатга олинмаган. Биргина спорт залининг ювиниш хонаси йўқлиги ҳам оғриқли саволларни туғдиради.

Ўқув ишлари бўйича проректор Беҳзод Ҳожиметов бу ҳолатга қуйидагича изоҳ берди:

— Тўғри, ювиниш хоналари бўлиши шарт, — деди у. — Тан оламиз, бунинг имкони йўқ. Ўқув хоналари етишмайди. Айни пайтда 4 та факультетнинг барчаси бир жойда жойлашган. Шу сабаб, биринчи навбатда, фойдаланса бўладиган хоналарни ўқув хоналарига айлантирганмиз. Кутубхоналар масаласида ҳам шу муаммо. Бинонинг айрим жойлари таъмирталаб эканлигини инобатга олиб, янги ўқув йилига қадар таъмирлашни режалаштирганмиз.

Кузатувларимиз давомида Театр безаги рангтасвир кафедрасига тўқнаш келдик. Унинг мудири Аслиддин Ортиқовнинг таъкидлашича, ушбу кафедрада жами 25 нафар ўқитувчи, шундан 16 нафари асосий штатда ишлайди. А. Ортиқов институтда 2001 йилдан буён, 2012 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда-ю, шу кунгача илмий даража олмаган. Бунинг сабабини сўраганимизда, “Ҳали ёшмиз, улгурамиз” деган жавоб олдик. Мана сизга илмий даражага кафедра мудирининг муносабати. Энди айтинг-чи, бу ҳолатда қандай қилиб институт илмий даражасини оширишга эришилади?

Суҳбат жараёнида стол устида турган 2017/2018 ўқув йилига тегишли ва бошқа гуруҳ журналлари эътиборимизни тортди. Уларни олиб варақлаб кўрдик. Таассуфки, камчиликлардан холи эмас: айрим ўқитувчилар ҳатто ўтган машғулотларининг турларини ҳам қайд этмаган, белгиланган тартибда декан назорати юритилмаган. Ваҳолонки, бу журналлар ўз вақтида назоратга олиниб, шу пайтга қадар деканатга топширилиши лозим эди. Аттанг, яна аттанг, дейсиз. Бу ишлар эътибордан йироқда. Ушбу камчиликлар бўйича роса жавоб изладик. Тасвирий санъат факультети декани Озод Юсупов бирор-бир тайинли гап айтолмади...

Тиббиёт хонасидаги аҳвол ҳам ҳаминқадар. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган хона жуда тор. Устига-устак, борига ҳам “меҳр” берилмагани, санитария талабларига жавоб бермаслиги кишини ташвишга солади. Мисол учун, тиббиётга оид асбоб-ускуна ва идишлар қўйиладиган жой ўрнини чой қайнаткич, коса-товоқ, қошиқ каби ошхона жиҳозлари банд қилган, хона бетартиб. Наҳотки, тиббиёт хонасида санитария-гигиенага эътибор шу даражада сусайтириб юборилса?..

Қисқаси, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Институт раҳбарияти, тегишли идора ва ташкилотлар мутасаддилари уларни бартараф қилиш масаласига жиддий ёндашишларининг айни вақти. Зеро, хатолар бугун тузатилмас экан, эртага орқасидан катталарини “етаклаб” келиши, бу эса илм-фан, таълим ривожига ғов бўлиши ҳеч гап эмас.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Амалдаги қонун ҳуқуқий коллизияларга сабаб бўлмоқда. Унинг янги таҳрири ишлаб чиқилди

1 Ушбу йўналишда мавжуд камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солишдек салбий амалиётнинг давом этишига олиб келмоқда. Бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўляпти.

— Амалдаги қонунда умумий тусга эга нормалар кўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмсиз татбиқ этилаётгани бандлик сиёсатига салбий таъсир кўрсатяпти, — деди қўмита раиси Мавлуда Хўжаева. — Шунингдек, Президентимизнинг соҳага оид қатор Фармон ва қарорларидаги вазифалар амалдаги қонунда деярли қамраб олинмаган. Хусусан, Қонуннинг 20-моддасида "аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш қўмиталари"ни тузиш, 34-моддада амалиётда қўллаш имкони бўлмаган ишсизлик нафақаси тўлашни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ва унинг миқдорини камайтириш тизими каби эскирган нормалар самарасиз бўлиб қолмоқда.

Мутахассислар томонидан янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди. Унда бандлик соҳасига хусусий секторни жалб этиш тартиб-таомиллари, унинг янги шаклларидан, яъни вақтинчалик ишлар, масофадан туриб ишлаш, жисмоний шахсларда ёлланиб ишлаш, шунингдек, бандликнинг анъанавий, охиригача тартибга солинмаган шаклларидан фойдаланишда юзага келадиган меҳнат муносабатлари хусусиятларини аниқ белгилаш кераклиги қайд этилди.

Якунда қўмитанинг лойиҳани янада такомиллаштиришга оид тегишли таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

# Фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти

1 Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири саналган мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 ноябрдаги Фармони билан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган эди. Мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон, тиббий анжомлар билан тўлақонли таъминлашда тузилма томонидан қандай ишлар олиб борилгани атрофлича муҳокама қилинди.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг ахборотига кўра, жорий йил биринчи ярмида қиймати 40,52 млн. долларлик 9 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиб, 511 иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи 27 та корхона томонидан 25 та фармакотерапевтик гуруҳга мансуб дори воситалари ва 10 номдаги тиббий буюмлар 14 чет эл мамлакати бозорларига чиқарилди.

Юртимизнинг доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш салоҳияти ортиб бормоқда. Агар 2018 йилда республика бўйича 6 375 тонна хом ашё ва 5 794 тонна қайта ишланган тайёр ёки яримтайёр маҳсулотлар экспортга йўналтирилган бўлса, 2019 йил биринчи ярим йиллигида республика бўйича ушбу кўрсаткичлар тегишлича 4125 ва 3485 тоннани ташкил қилди. Жорий йилнинг 5 ойида 10,362 млн. доллар қийматидаги маҳсулот экспортга чиқарилди.

Шунга қарамасдан, муаммолар ҳали буткул ечимини топгани йўқ. Фармацевтика соҳасида ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор талабларини қондирмаяпти. Импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолинаётганини инобатга олган ҳолда, жорий йил 10 апрелида давлатимиз раҳбарининг "2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ҳужжат билан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, унинг зиммасига фармацевтика фаолиятини (чакана реализациядан ташқари) лицензиялаш ва назоратини амалга ошириш вазифалари юклатилди. Шу билан бирга, аҳолини сифатли, безарар ва самарадор дори воситалари билан таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 1 январига қадар барча ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, дори воситаларининг клиник синовларини ўтказувчи клиникалар, тегишли тадқиқотларни амалга оширувчи лабораториялар мажбурий тарзда халқаро стандартларга ўтиши белгиланди.

Қўмита аъзолари Президентимизнинг мазкур Фармони агентлик томонидан қай даражада ижро этилаётганига эътибор қаратди. Соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Эшитув якунида депутатлар томонидан агентлик фаолиятини янада жонлантириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор амалий ташаббуслар ўртага ташланди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# Мониторинг кучайтириляпти

*Олий Мажлис Сенатида Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда қўмитанинг жорий йил бошидан буёнги фаолияти ва йил якунига қадар тасдиқланган режалари хусусида сўз борди.*

Қашқадарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари Сенат мажлисларида эшитилди. Бу эса маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни ўрганиш ва бартараф этишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берди. Бунда, асосан, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, аҳолини электр энергияси, ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, ички йўлларни таъмирлаш каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Комиссия томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилиниши амалиёти мониторинг орқали ўрганилди. Шу асосда ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлари томонидан, ҳар ойда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида изчил депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилиб, муҳокамалар ўтказиб келинмоқда.

Ҳар чорак якуни бўйича маҳаллий Кенгашларда бюджет даромадлари базасини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича ишлар натижадорлиги тўғрисида ҳоким ўринбосарлари, солиқ ва молия идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш юзасидан ўтказилган муҳокамалар ва уларда қабул қилинган қарорлар таҳлили ҳам давом эттирилмоқда. Таҳлиллар натижасида аниқланган камчиликларга қайта йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, тадбирда келгусидаги режалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти юзасидан Хоразм, Наманган, Навоий вилоятлари ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш, "Ҳокимларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раиси мақомининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилиш каби тадбирлар режалаштирилгани қайд этилди.

# Янада мустаҳкам алоқалар

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда ҳам натижалар муҳокама қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.*

Ўтган давр мобайнида қўмита Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимизнинг туристик ва инвестициявий жозибадорлиги ҳақида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборотни етказиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда ўз ваколатларидан самарали фойдаланиб, бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Хусусан, сенаторларнинг хорижий делегациялар, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналар ва хорижий компаниялар, халқаро молия институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари билан 60 дан зиёд учрашувлари ташкил этилди. Бунда асосий эътибор парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга қаратилди. Қўмита аъзолари Парламентлараро Иттифоқнинг 140-ассамблеясида фаол қатнашди.

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини, туризм соҳасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларига чет эл инвестицияларини ҳамда замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича республикамиз вилоятларида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида қўмита аъзоларининг Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри туманларига хизмат сафарлари уюштирилди.

Галдаги вазифалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, хорижий ҳамкорлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон парламенти делегацияларининг халқаро тадбирларда иштироки бўйича олдиндан вазифалар режасини тайёрлаш амалиётини жорий этиш, Минск шаҳрида Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари форумини ташкиллаштириш, Ўзбекистон ва Россия парламентлараро ҳамкорлик бўйича комиссиясининг йиғилишини, Вашингтонда Америка — Ўзбекистон Савдо палатаси мажлиси ва унинг доирасида Ўзбекистон — Америка бизнес форумини ўтказиш каби аниқ тадбирлар белгиланганлиги қайд этилди.

**Мафтуна АЗИЗОВА.**

# Ҳарбий хизматга доир янгиликлар нималардан иборат?

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг ўтган йил ноябрь ойида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг доимий жанговар шайлигини таъминлаш, муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни давр талаби даражасида ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган эди.*

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Ушбу вазифалар ҳамда Президентимизнинг "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент қуйи палатасига киритилди.

Ушбу қонун лойиҳасига қандай қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда? Уларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг доимий жанговар шайлигини таъминлаш, муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олишга доир сарф-харажатларни камайтириш, фуқароларга имконият ва қулайликлар яратиш, чақирув комиссиялари томонидан қўшимча қарорларни қабул қилиш каби ўзгартиш ва қўшимчалар қонунда ўз аксини топган.

Биринчидан, муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, олий маълумотли шахслар учун муддатли ҳарбий хизмат чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун — ўн икки ой қилиб белгиланмоқда. Бу билан олий маълумотга эга бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш натижасида лавозимларнинг уч ой давомида бўш (вакант) бўлиб қолиши ҳолатларига барҳам берилади. Натижада қўшинларнинг жанговар шайлиги янада ошади.

Иккинчидан, амалдаги қонунда фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш муддати апрель — июнь ойларида ўтказилиши белгиланган. Таклиф этилган ўзгартиш муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш тадбирларининг февраль-март ойларидан март-апрель ойларига кўчирилиши сабабли, ўсмирларни чақирув участкаларида қайд этиш муддатини ҳам апрель-май ойларида ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, фуқаролар таълим муассасаларининг битирувчи синфида чақирув участкасида қайд этилган тақдирда, улар 18 ёшга тўлиш арафасида бўлиб, тиббий кўрик натижалари бўйича келгусидаги режаларини белгилаб олишига имконият яратилади.

Яна бир масала чақирув тадбирлари билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнларнинг қиш даврида ўтказилиши чақирув ва йиғин пунктлари хоналарида белгиланган иссиқлик ҳароратини таъминлашда қатор қийинчиликлар юзага келиши ҳамда сарф-харажатлар ортишига олиб келар эди.

Чақирув даврининг қиш мавсумидан баҳор мавсумига — март-апрель ойларига ўтказилиши билан чақирув ва йиғин пунктлари хоналарини иситишга сарфланадиган сарф-харажатлар тежалади, хоналарни иситиш каби муаммолар бартараф этилади.

Учинчидан, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақириш давомида чақирув комиссиялари томонидан 27 ёшга тўлган фуқароларни Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши кўзда тутилмаган бўлиб, амалда чақирув комиссиялари томонидан ушбу қарорнинг қабул қилинишига зарурат мавжуд эди. Таклиф этилган ўзгартиш туфайли Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги амалиёт билан мувофиқлаштириляпти.

Шунингдек, халқ орасида "1 ойлик хизмат", деб айтиладиган сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этишда ҳам аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қонуннинг 21-моддасига ўзгартиш киритилмоқда. Бунда олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган талабалар ўз розиликлари билан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиниши мумкинлиги, бундай талабалар ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга йилнинг июль-август ойларида, яъни ўқув таътиллари давомида жалб этилиши кўзда тутилган. Бу олий таълим муассасалари кундузги бўлимларида таҳсил олаётган чақирув ёшидаги фуқаролар ва уларнинг ота-оналаридан бўлаётган кўплаб шу мазмундаги мурожаатларни ижобий ҳал этади.

Умуман, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Қуролли Кучларимизнинг доимий жанговар шайлигини таъминлаш, муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни давр талаби даражасида ташкил этиш имконини беради.

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати,**
**Мудофаа ва хавфсизлик**
**масалалари қўмитаси аъзоси.**

# МАРҒИЛОНДА ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

1 Эрта тонгданоқ янги Марғилон шаҳридан Туркистон кўчаси, Бурҳониддин Марғиноний мажмуаси бўйлаб рамзий туялар карвони Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар боғига йўл олди. Карвон ва ундаги фуқаролар, савдо маҳсулотлари — барчаси қадим Марғилон муҳитини эслатади.

Ушбу нуфузли анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 10 дан ортиқ фольклор жамоалари ўз ҳудудларига хос либослар ва қадимий куй-қўшиқлар асосида тайёрланган махсус дастурлари билан қатнашмоқда. Шу билан бирга, Эрон, Ҳиндистон, Франция, Россия, Жанубий Корея, Япония, Мўғулистон, Туркия каби хорижий давлатлардан фольклор жамоаларининг иштирок этиши унинг янада юқори даражада ўтишини таъминлаётир.



Фестивалда намойиш этилаётган бадиий кўринишларда дўппидўз, ковушдўз, маҳсидўз ва бошқа ҳунармандлар номидан наволар янгради. Қолаверса, Марғилоннинг азиз фарзандлари: Юсуфжон қизиқ, Тамарахоним, Маъмуржон Узоқов каби эл ардоғидаги инсонларнинг сиймолари гавдалантирилди.

Муҳташам саҳнада ҳайратлар кўз очди. Ажиб масканда бунёд қилинган ўзбек миллий чолғу асбобларининг улкан тимсолларига гўё жон бахш этилиб, улардан таралаётган куй-наволар Марғилон узра янгради. Айниқса, халқнинг дарду қувончлари, орзу-умидларини мужассам этган асрий фольклор санъатидаги сеҳр ва жозиба хорижлик меҳмонларда ҳайрату ҳавас уйғотди.

Фестиваль доирасида илмий-ижодий конференция, семинарлар, давра суҳбатлари, сайиллар, концертлар, кўргазмалар уюштирилади, турли ҳаваскор фольклор жамоалари, ашула, мусиқа ва рақс ансамбллари, яккахон ижрочилар чиқишлари намойиш этилади.

Марғилонда ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши режалаштирилган мазкур фестиваль санъатга ошуфта дилларни бирлаштиради. 80 га яқин давлатлардан хорижий сайёҳлар келиши кутилаётган анжуман том маънода Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини юксалтириш, муқаддас қадамжоларни янада обод қилиш ва миллий санъатимизнинг қудратини дунёга тараннум этишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

"Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор мусиқа фестивали 13 июлга қадар давом этади.

**Элёржон ЭҲСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳамдам МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
07

РЕКЛАМА







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6